

# **КОГЛУМЕТ САДОМАТЛИГИНГИЗ ПОСБОНИ:**

**CORONAVIRIDAE ОИЛАСИ ВИРУСЛАРИ, ШУ  
ЖУМЛАДАН SARS-COV-2 БИЛАН БОҒЛИҚ  
ХАСТАЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОСИ**



**Коглумет – вирусларга қарши ва иммунмодулловчи дори воситаси бўлиб,  
унинг таъсир механизми организмнинг табиий ҳимоя тизимини тиклаш ва  
барқарорлигини ортиришга қаратилгандир**

Коглуметни профилактика мақсадида 10 дан то 20 кун мобайнида кунига 1 таблеткадан 1 маротаба қабул қилиниши, вирусларга, шу жумладан COVID -19 га қарши юқори даражадаги ҳимоя тизими шаклланишига олиб келади.

SARS-CoV-2 билан оғриган беморларда коглуметнинг қўлланилиши лаборатор ва инструментал услуг кўрсаткичларининг сезиларли яхшиланиши билан давом этади.

Коглумет таъсирида, короновирус инфекцияли беморларда, тана хароратининг мұтадиллашуви, нафас олиш ва юрак ритмларининг нормаллашуви ёки сезиларли яхшиланиши қисқа муддатларда кузатилади. Коглумет, касалликнинг оғирлик даражасига қараб, COVID-19 билан оғриганларда вирусли пневмониянинг яққоллик даражасини сезиларли камайишига ёки регрессиясига олиб келади. Препарат таъсирида SARS-CoV-2 га нисбатан бўлган юқори иммун жавоби қисқа муддатларда шаклланади.

Коглумет COVID-19 билан оғриганларнинг умумий ҳолатини сезиларли яхшилайди. Оқибатда қисқа муддатларда уйку ва иштахани нормаллашуви, фаолликни ортиши кузатилади

## **Қўллаш усули ва дозалари**

Ичга. Препарат монотерапия ёки мажмуавий даволаш таркибида, овқатдан 30-60 минут олдин буюрилади.

Coronaviridae оиласи, шу жумладан SARS-CoV-2 билан боғлиқ вирусли касалликларда 2 таблеткадан кунига 2 ёки 3 марта. Зарур ҳолатларда дозалаш оширилиши мумкин: 4 таблеткадан кунига 2 марта. Даволаш муддати 15 кундан 30 кунгача.

## **Ножўя таъсирлари**

Коглумет ўз таркибида табиий биофаол моддалар (кобальтнинг глутамин аминокислотаси ва витамин U ли гидроксокомплекси) сақлаганлиги туфайли яхши ўзлаштирилади. Бирор бир салбий таъсири аниқланмаган.

## **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик.

## **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Коглуметнинг базис терапия препаратлари билан ўзаро номутаносиблик ҳолатлари аниқланмаган.